

Инсоният келажаги Африкада



11:30 / 26.03.2022 4621

Африка қитъасининг ҳудуди: 30.37 миллион кв. километрга тенгдир.

Хитойнинг ҳудуди: 9.6 миллион кв. километрга тенгдир.

АҚШнинг ҳудуди: 9.8 миллион кв. километрга тенгдир.

Европанинг ҳудуди: 10.18 миллион кв. километрга тенгдир.

Демак, Хитой, АҚШ ва Европанинг барчасини қўшиб ҳисоблаганда ҳам Африка каттароқдир.

Лекин кўплаб дунё хариталарида Африка ўта кичрайтириб кўрсатилган. Бу атайин визуал тарзда африкаликларни улар қаерда бўлишмасин, мияларини ёлғон билан тўлдириш мақсадида амалга оширилган.

Африканинг 60% ери экин экишга яроқлидир.

Африка 90% хомашё захираларига эгадир.

Африкада дунё олтин захирасининг 40% яқини жойлашган.

Африкада дунё олмос захирасининг 33% мавжуд.

Африка ўз бағрида 80% дунё колтан захирасини сиғдиргандир. Колтан – яъни, колумбит-танталит телефон ва электроника ишлаб чиқаришда ишлатиладиган минерал). Хоссатан, кўпроқ Конгода мавжуд.

Африка дунёдаги кобальт захирасининг 60% га эгадир. Кобальтдан автомобиль аккумуляторлари ишлаб чиқарилади.

Африка нефть ва табиий газга бой бўлган қитъадир.

Африкада (Намибия) энг бой балиқчилик қирғоқ пляжлари мавжуд.

Африка марганец, темир ва ёғочга бойдир.

Африка уч карра Хитойдан, уч карра Европадан ва уч карра АҚШдан улканроқ ҳудудда ястанади.

Африканинг майдони 30 875 415 квадрат километрни ташкил этади.

Африка қитъаси аҳолиси бўлса, 1,3 миллиард кишидан иборат. (Солиштириш учун Хитой аҳолиси 1,4 миллиардни ташкил этиб, 9,6 миллион квадрат километр ҳудудда жойлашган).

Бу дегани, Африка бепоён ва ўзлаштирилмагандир.

Конго Демократик республикасининг экинга яроқли ерларини ўзиёқ бутун Африкани боқишга етади.

Африкадаги барча экан ерлари бўлса, бутун дунёни боқишга етарлидир.

Конго Демократик республикасининг дарёларига электростанциялар қуриб бутун Африкани ёритишга кифоя қилади.

Нега бу қадар улкан салоҳиятга эга Африка бу қадар ортда қолиб кетган, қолоқ дейилса, кўплаб ғарб давлатлари ҳамда уларнинг қўғирчоқ ва тобелари бўлган кучлар ўн йиллар давомида Африкани беқарор вазиятда ушлаб туришган.

Африка маданий ва диний турфа хилликка эга қитъадир.

Африка Фарбнинг фармацевтика лабораторияларида модификация қилинган 30 мингдан ортиқ турли доривор гиёҳлар ватани ҳисобланади.

2050 йилга келиб, Африка аҳолисида ёшларнинг улуши 2,5 миллиардга етиши тахмин қилинмоқда. Бу нима дегани? Бу — Африка инсоният келажаги демакдир.

Интернет маълумотлари асосида Бобур Аҳмад тайёрлади.